



БОЛАНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ МУАММОЛАРИ:- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИ МИСОЛИДА.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20172380>

Тошов Икромжон Муродиллоевич

Бухоро вилояти судьяси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилигида ва суд амалиётида боланинг насл-насабини белгилаш муаммолари, ҳуқуқий бўлишлар ва боланинг насл-насабини ўз вақтида белгиланмаслигида олиб келувчи ҳуқуқий оқибатлар таҳлил қилинади. Биологик ва юридик оталик муаммоларини, оталикни ўз вақтида белгилаш, оналик ва боланинг бузилган ҳуқуқини ўз вақтида тиклашни тартибга соладиган қонун талабларини такомиллаштириши зарурияти очиқ беришга ҳаракат қилинади.

Мақолада боланинг насл-насабини белгилашнинг ҳуқуқий аҳамияти, суд амалиётидаги ҳолатлари ва муаммоли вазиятларни олдини олиш учун қўлланиладиган ҳуқуқий механизмлар ёритиб берилди.

Калит сўзлар: боланинг насл-насаби, оталикни белгилаш, оталикка эътироз, оталикни ва оналикни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, бола ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, оила қонунчилиги, биологик ва юридик оталик тушунчалари, суд амалиёти, жамоат тартиби, ахлоқ нормалари, ҳуқуқий оқибатлар.

В данной статье анализируются проблемы установления происхождения ребенка в семейном законодательстве и судебной практике Республики Узбекистан, правовые пробелы и юридические последствия несвоевременного установления происхождения ребенка. Предпринимается попытка раскрыть проблемы биологического и юридического отцовства, а также необходимость совершенствования законодательных требований, регулирующих своевременное установление отцовства и материнства и своевременное восстановление нарушенных прав ребенка. В статье раскрывается правовое значение установления происхождения ребенка, рассматриваются случаи из судебной практики и правовые механизмы, применяемые для предотвращения проблемных ситуаций.

Ключевые слова: происхождение ребенка, установление отцовства, оспаривание отцовства, правовая охрана отцовства и материнства, права ребенка, гражданское право, семейное законодательство, биологического и юридического отцовства, судебная практика, общественный порядок, нормы морали, правовые последствия.



This article analyzes the issues of establishing the child's origin in the family legislation and judicial practice of the Republic of Uzbekistan, legal gaps, and the legal consequences of the untimely determination of filiation. The article attempts to address the issues of biological and legal paternity, as well as the necessity of improving legislative requirements that regulate the timely establishment of paternity and maternity, and the prompt restoration of the violated rights of the child.

The article reveals the legal significance of establishing the child's origin and examines judicial cases and legal mechanisms applied to prevent problematic situations.

Keywords: *origin of the child, establishment of paternity, contesting paternity, legal protection of paternity and maternity, rights of the child, civil law, family legislation, Issues of biological and legal paternity, judicial practice, public order, moral norms, legal consequences.*

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 78-моддасига
кўра, фарзандлар ота-онасининг насл-
насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи
назар, қонун олдида тенгдирлар.

Боланинг ҳуқуқлари,
эркинликлари ва қонуний
манфаатларини таъминлаш ҳамда
ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий
ва маданий жиҳатдан тўлақонли
ривожланиши учун энг яхши шарт-
шароитларни яратиш давлатнинг
мажбуриятидир.

Оналик, оталик ва болалик давлат
томонидан муҳофаза қилинади.

Давлат ва жамият болаларда
ҳамда ёшларда миллий ва
умуминсоний кадриятларга
содикликни, мамлакатидан ҳамда
халқнинг бой маданий меросидан
фахрланишни, ватанпарварлик ва
Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат
туйғуларини шакллантириш тўғрисида
ғамхўрлик қилади.

Албатта, янги Ўзбекистонни
қураётган экинчи, албатта ушбу нормани
тўлақонли ҳаётга рўйбга чиқариш жуда
муҳим омил ҳисобланади, зеро, давлат
сиёсатининг устувор вазифаларидан
бири бу албатта ёшларга оид давлат
сиёсати эканлиги ва бунда асосий рол
ёш авлод келажагини қуриш, уларнинг
баркамол авлод қилиб тарбиялаш ва
камолотини, таълим ва барча
ҳуқуқларини тўла таъминлаш асосий
вазифадир. Шу ўринда болалар
ҳуқуқларини ҳимоясини таъминлашда
оила қонунчилигининг боланинг насл-
насабини белгилаш масаласи жуда
мунозарали бўлиб қолмоқда.

Боланинг насл-насабини
белгилаш нафақат оила ҳуқуқининг,
балки бутун фуқаролик жамиятининг
пойдевори ҳисобланади. Бу
институтни ҳуқуқий ва амалий
жиҳатдан чуқур таҳлил қилсак,
қуйидаги муҳим жиҳатлар юзага
чиқади:



Хуқуқий нуктаи назардан насл-насаб — бу бола ва ота-она ўртасидаги хуқуқий алоқани (юридик фактни) тасдиқловчи асосдир. Бусиз ҳеч қандай мажбурият ёки хуқуқ юзага келмайди.

Боланинг насл-насаби расман белгилангач, унда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мустақамланган барча хуқуқлар (исм-шариф олиш, оилада тарбияланиш, ота-онаси билан кўришиш, ота-онасига нисбатан хуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келиши, мерос хуқуқи масалалари) пайдо бўлади.

Насл-насаб белгиланмас экан, бола Фуқаролик кодекси бўйича 1-навбатдаги меросхўр мақомини олмайди. Бу мулкӣ хуқуқларни ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолатидир.

Насл-насабнинг белгиланиши давлатга боланинг таъминоти учун масъул шахсларни аниқлаш имконини беради. Бу ижтимоӣ юкни давлатдан хусусӣ шахсларга (ота-онага) йўналтиради.

Амалиётда (айниқса суд амалиётида) насл-насабни белгилаш куйидаги ҳаётӣ масалаларни ҳал қилади:

- Алимент мажбуриятлари: Суд амалиётида оталикни белгилаш даъволарининг 90 фоизи алимент ундириш мақсадида киритилади. Насл-насаб белгиланмасдан туриб, моддий таъминот ундиришнинг хуқуқӣ механизми мавжуд эмас.

- Биологик ва юридик оталик ўртасидаги зиддият: Замонавий тиббиёт (ДНК экспертизаси) биологик

ҳақиқатни 99,9% аниқлик билан кўрсатади. Бироқ амалиётда "юридик оталик" (масалан, никоҳда туғилган боланинг отаси деб эрининг ёзилиши — "презумпция отцовства") биологик отадан фарқ қилиши мумкин. Бунда "оталикка эътироз билдириш" институти амалий аҳамият касб этади.

- Шахсни идентификация қилиш: Боланинг келиб чиқиши унинг шахсий ҳужжатларида (туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома) акс этади. Бу унинг жамиятдаги ижтимоӣ статусини белгилайди ва келгусида фуқаролик олиш, чет элга чиқиш каби жараёнларда хуқуқӣ тўсиқларни олиб ташлайди.

Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ, ҳар бир бола ўз ота-онасини билиш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш хуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 39-моддасига кўра, боланинг насл-насаби ўзаро никоҳда бўлган ота-онанинг аризасига асосан белгиланади. Бироқ, амалиётда никоҳ қайд этилмаган ҳолатларда оталикни белгилаш ёки уни низолашиш жараёнида қатор хуқуқӣ муаммолар юзага келмоқда. Бу эса боланинг нафақат маънавий, балки мулкӣ (алимент, мерос) хуқуқларининг бузилишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон оила қонунчилигида иккита муҳим муаммо бор:



1. Процессуал муаммо: Агар жавобгар (тахмин қилинаётган ота) ДНК экспертизасига келишдан бўйин товласа, суд буни автоматик равишда оталикни тан олиш деб баҳолай олмайди (фақат бошқа далиллар йиғиндиси билан бирга). Бу эса боланинг ҳуқуқлари тикланишини йиллаб кечиктиради.

2. Замонавий технологиялар: Суррогат оналик ёки ЭКУ (экстракорпорал уруғлантириш) орқали туғилган болаларнинг насл-насабини белгилашда қонунчиликда бўшлиқлар мавжуд. Ким она ҳисобланади: тукқан аёлми ёки генетик онами?

Боланинг насл-насабини белгилаш — шунчаки қоғоздаги ёзув эмас, балки боланинг яшаш, таъминот олиш ва ўзлигини англаш ҳуқуқларининг ҳуқуқий пойдеворидир. Уни ўз вақтида белгиланмаслиги болани жамиятда "ҳуқуқсиз" ҳолатга тушириб қўяди.

Оила қонунчилигад ушбу масала алоҳида тадқиотлар ўтказиш ва қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар қилишга ҳамда суд амалиётида Олий суд пленуми қарорларига ўзгартиришлар амалга оширишни тақозо қилади.

Бугунги кун суд амалиётида оталикни белгилашда бир қатор тизимли муаммолар мавжудки, бу отанинг ҳаёт бўлганда ва ўлганда оталикни белгилаш фарқ қилади.

Асосий муаммолардан бир бу суд амалиётида оталикни белгилашда

далиллар доирасининг нисбийлиги. Мазкур тоифа ишларида далилларнинг мақбуллиги масаласи мунозаралиги.

Жавобгарларнинг генетик экспертизадан бош тортиш: Энг катта муаммо — жавобгарнинг ДНК таҳлилига келишдан бўйин товлаши.

Ўзбекистон ФПКнинг 95-моддасига кўра, агар тараф экспертизада иштирок этишдан бош тортса, суд буни "исботланган" деб топишга ҳақли, лекин амалиётда судьялар кўпинча буни ягона далил сифатида қабул қилишга чўчишади.

Биологик ва юридик оталик зиддияти: Агар аёл расмий никоҳда бўла туриб, бошқа шахсдан фарзанд кўрса, қонун бўйича "эри" ота деб ёзилади. Биологик отани белгилаш учун аввал расмий "ота"нинг ёзувини бекор қилиш (оталикка эътироз) керак, бу эса жуда мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён. Бу жараёнда боланинг манфаатларига хизмат қиладиган соддалаштирилган жараённи жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Миллий қонунчиликда оталик фактини белгилашда ҳам бир қатор муаммовий масалаларда мунозарали масалалар мавжуд.

Бугунли кунда нафақат боланинг манфаати, балки вояга етган инсонлар ҳам ўзининг насл-насабини аниқлаш ва белгилаш масаласида ҳам ҳам моддий ҳам процессуал ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги мазкур институтнинг такомиллаштиришни тақозо қилмоқди.



Оталик фактини белгилашда далиллар етишмовчилиги, ҳуқуқий ва процессуал ечимларнинг бир бирига мос келмаслиги, шахс вафот этганидан кейин унинг тириклигида болани ўз қарамоғида сақлаганини ёки уни тан олганини исботлаш қийинлашади.

Қонунчилик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, миллий оила қонунчилиги асосан “юридик отанинг” ҳуқуқлари устунлигини тан олади. Аммо, бугунги суд амалиётида “биологик” отанинг ҳуқуқлари бузилиши, пировардида боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини унинг “биологик” отаси томонидан амалга оширилиши масаласи очиқлигича қолмоқда.

Зеро, БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 7-моддасига кўра, “бола туғилган заҳоти рўйхатга олинади ҳамда туғилган дақиқасидан бошлаб исм ва фуқароликни олиш ҳуқуқига эга, шунингдек иложи борича, ота-онасини билиш ва уларнинг ғамхўрлик қилишлари ҳуқуқига эга.

Иштирокчи-давлатлар бундай ҳуқуқларни ўзларининг миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилишини ҳамда бу соҳадаги тегишли халқаро ҳужжатларга асосан ўзларининг мажбуриятлари, хусусан, агар бола бошқа фуқароликка эга бўлмаган тақдирда бажарилишини таъминлайдилар.”

Суд амалиётида далиллар доирасининг торлиги, шаклланган амалиёт, ДНК экспертизасининг

қимматлиги, замонавий ахборот ресурслари ва илмий ютуқлари имкониятидан самарали фойдаланиш имконини бермайди.

Оталик фактини белгилашда ДНК намуналарининг олиш имкони йўқлиги, бунда фуқаролик ишлари бўйича судларда экспертиза намуналари олишда мурдани эксгумация қилиш ёки қабрдан намуналар олиш имкониятларининг чеклангани, натижада, вафот этган шахсдан генетик намуна олиш имкони бўлмаган бир шароитда, яқин қариндошлардан генетик намуналар олишдаги мураккаблилар (боланинг бобоси, амакиси) экспертизадан бош тортса, суд фактини белгилашда қийинчиликка учрайди.

Шунингдек, Мазкур тоифа ишларида вақт ўтган сайин манфаатдор шахсларнинг вужудга келиши ва бунда инсон меросхўрларнинг қаршилигига учраши, вафот этган шахснинг бошқа қонуний меросхўрлари (расмий оиласи ва фарзандлари) кўпинча янги меросхўр пайдо бўлишига қаршилик қилиб, жараёни атайлаб чўзиши. Боланинг насл-насабини белгилашда муайян муаммоларни жорий қилади.

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 10-боби, болаларнинг насл-насабини белгилашга бағишланган.

Кодекснинг 60-моддасига кўра, боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати



далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади. Бу қонунчиликда боланинг “никоҳда туғилганлик призмацияси” ҳам деб юритилади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби ҳусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси суд амалиётида асосан боланинг насл-насабини белгилашда оталикни белгилаш масаласи кўп туради. Аммо, боланинг “оналигини белгилаш” ҳақида суд амалиёти оммалашмаган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам оналикни суд тартибида белгилаш бўйича вазият Россия Федерациясиникига жуда ўхшаш.

Асосий жиҳатлар:

- Махсус норманинг йўқлиги: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига ҳам оналикни суд

тартибида белгилаш ҳақида алоҳида модда мавжуд эмас. Кодекснинг 60-моддада оналик ФХДЁ органи томонидан тиббий муассаса ҳужжатлари ёки бошқа далиллар асосида белгиланиши кўрсатилган.

- Қонун ўхшашлиги (Аналогия): Амалиётда оналикни белгилашда Оила кодексининг 62-моддаси (оталикни суд тартибида белгилаш) нормалари қўлланилади. Бунда суд биологик келиб чиқишни тасдиқловчи ҳар қандай далилларни, жумладан ДНК экспертизасини ҳисобга олиши мумкин.

- Судга мурожаат қилиш асослари: Ўзбекистонда ҳам қуйидаги ҳолларда оналикни суд орқали белгилашга тўғри келади:

○ Бола туғилганлигини тасдиқловчи тиббий ҳужжатлар бўлмаганда (масалан, уй шароитида туғилганда ва гувоҳлар бўлмаганда).

○ Бола туғруқхонада қолдирилган ёки алмаштириб қўйилган деб гумон қилинганда.

○ ФХДЁ органи туғилишни қайд этишни рад этганда.

- Юридик аҳамиятга эга бўлган факт: Агар оналик факти бўйича низо бўлмаса-ю, лекин ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, ариза Фуқаролик процессуал кодексининг 295-моддасига асосан юридик аҳамиятга эга бўлган фактни белгилаш тартибида кўрилиши мумкин

○ Қонуннинг 62-моддасига кўра, ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онанинг бола туғилган тақдирда, ота-онанинг



биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу Кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади.

Оталикни белгилаётганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин суд шу қарор нусхасини бола туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

Ўзбекистонда оталикни белгилаш масаласи ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий жиҳатдан бир қатор муаммоларга эга. 2025-2026 йиллар ҳолатига кўра, бу

соҳадаги асосий муаммоларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Шаръий никоҳ (никоҳсиз туғилиш) оқибатлари

Энг катта муаммолардан бири — расмий ФХДЁ қайдидан ўтмай, фақат шаръий никоҳ асосида яшаш натижасида туғилган болалардир.

Ҳужжатлаштиришдаги қийинчилик: Ота ва она ўртасида қонуний никоҳ бўлмаса, оталикни белгилаш учун иккала томоннинг биргаликдаги аризаси талаб этилади.

Отанинг рад этиши: Агар эркак болани ўз фарзанди деб тан олишдан бош тартса, она фақат суд орқали оталикни белгилашга мажбур бўлади. Бу эса узоқ давом этадиган ва руҳий жиҳатдан қийин жараёндр.

Суд тартибида исботлаш муаммолари

Ўзбекистон Оила кодексининг 62-моддасига биноан, суд оталикни белгилашда ҳар қандай ишончли далилларни ҳисобга олади. Бироқ амалиётда қуйидаги тўсиқлар учрайди:

- Бирга яшаганликни исботлаш: Суд ота ва онанинг бола туғилгунига қадар бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлигини текширади. Гувоҳларнинг кўрсатмалари доим ҳам етарли ёки ҳолис бўлмаслиги мумкин.

- ДНК экспертизасининг нархи: ДНК тести оталикни 99,9% аниқлик билан тасдиқлайдиган энг ишончли далилдир. Лекин бу экспертизанинг нархи нисбатан



қимматлиги кўпчилик аёллар учун
иқтисодий қийинчилик туғдиради.

• Жавобгарнинг бўйин
товлаши: Оталикни белгилаш бўйича

жавобгар (эркак) ДНК экспертизаси
учун намуна беришдан бош тортиши
ёки суд мажлисларига келмаслиги
жараёни кечиктиради.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O‘zbekiston Respublikasining Oilalar to‘g‘risidagi kodeksi. – Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining axborotnomasi, 2021 yil. 47-moddasi.
2. O‘zbekiston Respublikasining Oilalar to‘g‘risidagi kodeksi. – Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining axborotnomasi, 2021 yil. 48-moddasi.
3. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bolalar huquqlari to‘g‘risidagi Konvensiyasi. – Nyu-York: BMT, 1989 yil. 7-moddasi.
4. O‘zbekiston Respublikasining “Fuqarolik holatini dalolatnoma yozish kitoblari to‘g‘risida”gi Qonuni. – Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining axborotnomasi, 2018 yil. 18-moddasi.
5. O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining “Ota-onalik huquq va majburiyatlarini belgilash bo‘yicha fuqarolik ishlarini ko‘rib chiqish amaliyoti haqida”gi qarori. – Toshkent, 29-iyun 2018 yil. 14-band.
6. O‘zbekiston Respublikasining “Bolalar huquqlari kafolatlari to‘g‘risida”gi Qonuni. – Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining axborotnomasi, 2020 yil. 12-moddasi.
7. Karimov, B.R. Oila huquqi: nazariya va amaliyot. – Toshkent: “Universitet” nashriyoti, 2022. – 340 b.
8. Abdullayev, S.N. Sud-tibbiyot ekspertizasi va dalil isbotlash. – Toshkent: “Fan” nashriyoti, 2021. – 285 b.
9. Mirzayev, A.A. Zamonaviy texnologiyalar va oila huquqi. // “Huquqiy axborot” jurnali, 2023, №2. – B. 45–58.
10. UNESCO. Family Law and Children’s Rights: Comparative Perspectives. – Paris: UNESCO Publishing, 2020. – 210 p.